# О Л Д И – С О Т Д И  Ш А Р Т Н О М А С И № 13/01

Қарши шаҳри «13» январь 2022 йил

«Муборак дон-ризк барака» МЧЖ (ташкилот, корхона номи) кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади. Ўзининг (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Г.Д.Умидова вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Вилоят саломатликни тиклаш шифохонаси (корхона, ташкилот, муассаса номи), кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи С.Эркаев (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. Шартноманинг предмети

1.1. Сотувчи ўзига тегишли товар(маҳсулот)ни Сотиб олувчига мулк килиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(махсулот)ни кабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

| № | Товар (Махсулот) номи | Ўлчов бир | Сони | Нархи | Бахоси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Мол гушти | кг | 55 | 61000 | 3355000 |
| | | | | | |
| | **ЖАМИ:** | | | | **3355000** |

1.2.Шартноманинг умумий суммаси: Уч миллион уч юз эллик беш минг сум.

## 2. Товар (Махсулот)ни етказиб бериш муддати ва тартиби

2.1.Товар (маҳсулот)нинг етказиб бериш муддати « 31 » декабрь 2022 йил
2.2.Товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати хар бир маълум тўплам бўйича келишилади.
2.3.Товар (маҳсулот)ни сотувчи ўз транспортларида етказиб беради.
2.4. Транспорт харажатлари сотувчи томонидан амалга оширилади.
2.5. Етказиб бериш санаси бўлиб, товар (махсулот)нинг сотиб олувчи омборига келиб тушиш санаси хисобланади.

## 3. Тўлов тартиби

3.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси : Уч миллион уч юз эллик беш минг сумни ташкил этади.
3.2 Хар ойда сотиб олинадиган Товар (махсулот) учун 30 фоиз ёки 1006500 сум олдиндан туловни амалга оширади
3.3. Тўлов шакли ҳисоб-китоб нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 4. Товар (Махсулот)нинг сифати

4.1. Сифат товар (маҳсулот)ларнинг ушбу гурухи учун амалдаги стандартларга мувофик келиши керак.
4.2. Сотувчи тўпламда яроксиз махсулот мавжудлиги хакида хабар олган пайтдан бошлаб 2 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни алмаштириб беришга мажбур.
4.3. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофиқ товар (махсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.
4.4. Ишлаб чиқаришга оид нуксонлари аникланганлиги муносабати билан Сотиб олувчи томонидан кафолатли муддат доирасида қайтарилган товар (маҳсулот)лар Сотувчига қайтариб берилиши лозим, бунда Сотувчи уларнинг кийматини тўлик қоплаб бериши ёки Сотиб олувчи билан келишган холда 2 кун ичида яроксиз товар (махсулот)ларни сифатли товар (махсулот)ларга алмаштириб бериши керак.

## 5. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш

5.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.
5.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.
5.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг конунчилик хужжатларида белгилаб берилган бошка ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

## 6. Тарафларнинг жавобгарлиги

6.1. Мазкур Шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли равишда бажармаслик холида, Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофик жавобгарликка тортилади

## 7. Шартноманинг амал қилиш муддати

7.1. Мазкур шартнома «13» январь 2022 йилдан «31» декабрь 2022 йилгача амалда бўлади.
7.2. Шартнома тарафлар имзолаб ўз муҳрлари билан тасдиклаганларидан сўнг кучга кирган ҳисобланади.
7.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг хар бири учун бир нусхадан берилади.
7.4. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
- томонларнинг келишувига мувофик;
- Ўз.Р. конунчилик хужжатларида назарда тутилган ҳолларда.

**8.Форс-Мажор холатлари**

8.1. Томонларнинг хоҳиш-истагига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар оқибатида томонларнинг ўз мажбуриятларини бажармасликлари ушбу шартнома шартларини бузиш деб ҳисобланмайди.
8.2. Ўз мажбуриятларини бажара олмаётган тараф шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилаётган ҳолатлар ва уларнинг таъсири ҳақида иккинчи тарафга хабарнома бериши лозим.
8.3. Форс-мажор ҳолатларини важ қилиб келтираётган тараф уларнинг тасдиғи сифатида ваколатли давлат органининг тегишли ҳужжатини тақдим этиши шарт.
8.4. Томонларнинг хоҳиш-истагига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар сифатида қуйидагилар назарда тутилади:
8.4.1. Енгиб бўлмас куч сифатида табиий офатлар;
8.4.2. Янги қабул қилинган қонун ҳужжатлари;

**9. Низоларни ҳал қилиш**

9.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.
9.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади
9.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан хал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Қашқадарё вилоят Хўжалик судида хал қилинади.

**10. Бошка шартлар**

10.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва кўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва хар иккала Тарафлар оркали имзоланиши керак.

**11.Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари**

| «Сотувчи» | «Сотиб олувчи» |
|---|---|
| «Муборак дон-ризк барака» МЧЖ | Вилоят саломатликни тиклаш шифохонаси |
| (ижрочининг номи) | (бюджет маблагларини олувчи номи) |
| Манзили: Муборак туман Ёшлик МФЙ куча №1-А | манзили Карши шахри |
| | Н.Мирзаев кучаси № 12 уй |
| тел\факс 99899 661-05-55 | тел\факс 226-11-09 ,226-18-42 |
| х\р 20208000900932614001 | Шх\р 100021860104017073201054017 |
| банк номи | |
| «Уз.Санoат курилиш банки» Муборак филиали. | |
| МФО 00186 ИНН 305807003 | ИНН 202139705 |
| ОКОНХ ________ | ОКОНХ 91511 |
| Рахбар Г.Д.Умидова | Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Газначилиги |
| | х\р 23402000300100001010 |
| | ИНН 201122919 МФО 00014 |
| (имзо) | Марказий банк Тошкент шахар бош бошкармаси ХКК маркази |
| | Рахбар С.Эркаев |
| | ( Ф.И.Ш.) |
| М.Ў. | (имзо) |

**Хукукий хулоса.**

Мазкур шартнома лойихаси Узбекистон Республикаси Фукаролик Кодекси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида»ги конун асосида белгиланган.

Юкоридагиларга асосланган холда шартнома лойихасини конун доирасида тузилган деб хисоблайман ва томонларга уни имзолашни тавсия этаман.

Хукукий хулоса берилган сана 13 январь 2022 йил

Хукукшунос ____________ ____________

(Имзо) (Ф.И.Ш)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QASHQADARYO VILOYATI
KOSON TUMANI
"MUBORAK DON RIZQ BARAKA"
MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT
«13» 01 2022 yil
№ 13/01
Pochta indeksi: 180800

ВИЛОЯТ САЛОМАТЛИКНИ ТИКЛАШ
ШИФОХОНАСИ БОШ ВРАЧИ
С.ЭРКАЕВга

Т И Ж О Р А Т  Т А К Л И Ф И.

Сизга «Муборак дон-ризк барака» МЧЖ
куйидаги озик-овкат махсулотларини таклиф килади.

| № | Товар(махсулот) номи | Улчов бирлиги | Сони | Нархи | Изох |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Мол гушти | кг | 1 | 61000 | |
| | | | | | |
| | | | | | |

Сотувчи: ______________ Г.Умидова
(имзо) (Ф.И.О.)

Ихтисослаштирилган сўйиш
Корхонасининг юридик
манзили : Миришкор туман
Женов шаҳарчаси

*Ҳайвонларни идентификация қилиш
уларни ҳисобга олиш , ҳисобдан чиқариш
ва сақлаш тартиби тўғрисида низомга*
**8-илова**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QASHQADARYO VILOYATI MIRISHKOR TUMANI "ZOKIR TO'RA SHABADASI" XUSUSIY KORXONASI
2022 05 01
3.

## Ҳайвон сўйилгани тўғрисида
## Маълумотнома Ф-200

№ 01/22.

Берилди ушбу маълумотнома шу ҳақдаким
"Муборак доги ризк барака" МЧЖ
(Ҳайвон эгаси ФИО ёки корхона номи)

*Идентификация рақами №* 000861 *бўлган*
*ҳайвон* бир бош қорамол *замонавий*
*автоматлаштирилган қушхона комплексида сўйилди.*

*Дастлабки кўрик натижалари :*
*Нимта оғирлиги* 200 кг *г*

*Гўштни кўрикдан ўтказиш*
*натижалари* кўрикдан ўтказилди ва ранги тоза ва яроқли деб топилди

*Ички аъзоларини кўрикдан ўтказиш натижалари*
ички аъзоларда ўзгариш ва ички нуқсонлар аниқланмади

*Аниқланган паразитар касалликлар.*
паразитар касалликлар аниқланмади. жигар эхинококкози йўқотилган

*Юқумли касалликларга гумон қилиниши :*
юқумли касаллик қайд этилмади

*Амалга оширилган чоралар :*
гўшт, ярим тоза истеъмолга яроқли деб топилди

*Ихтисослашган сўйиш корхонаси*
*Ветеринария врачи :* Рустамов
«05» 01. 2022й (Ф.И.О)

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ Косон ТУМАН (ШАҲАР) ҲОКИМЛИГИ

# ЛИЦЕНЗИЯ

УСN 2640

Мазкур лицензия билан „MUBORAK DON RIZQ BARAKA" масъулияти чекланган жамияти га

**УЛГУРЖИ САВДО ФАОЛИЯТИ** ни амалга оширишга рухсат берилади.

Лицензия эгасининг жойлашган жойи (почта манзили): Косон тумани Нартибаланд маҳалла фуқаролар йиғини

Солиқ тўловчи-лицензия эгасининг идентификация рақами 305807003

Лицензия берилган сана 19-октябрь 2018 йил

Лицензиянинг амал қилиш муддати чекланмаган.

Реестр бўйича тартиб рақами 23/2018

Ваколатли шахс:

Туман ҳокими Б. Раҷсапов (Ф.И.О.) (имзо)

O'zbekiston Respublikasi Qashqadaryo viloyati Koson tumani hokimligi

М.Ў.

*Изоҳ: Лицензиянинг нотариус томонидан тасдиқланмаган нусхаси ҳақиқий ҳисобланмайди*

Davlat xizmatlari markazi

1328317

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"MUBORAK DON RIZQ BARAKA" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"MUBORAK DON RIZQ BARAKA" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

16.10.2018 643558 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 305807003

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Qashqadaryo viloyati, Muborak tumani, Muborak, YOSHLIK MFY BOBUR KO'CHASI 1 A-UY ,

Guvohnoma: Qashqadaryo viloyati, Muborak tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGI
HUZURIDAGI DAVLAT
XIZMATLARI AGENTLIGI
* * *
QASHQADARYO VILOYAT
BOSHQARMASI
* * *
MUBORAK TUMAN
DAVLAT XIZMATLARI
MARKAZI
RO'YXATGA OLINDI
2019 yil "22" [illegible]
№ 643558